



Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

Ислом КАРИМОВ

14 (1166)-сон 9 апрель 2014 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

жамият



САХОВАТ
ЙЎЛИДА

2►

ШИФОКОРЛАР
СУЛОЛАСИ

3►



Рихси ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:
ТЕАТР ЖОНЛИ
КИТОБДИР

4►



6►

9 АПРЕЛЬ – АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



Темур бобом – тилло бобом, Донолардан доно бобом!



“Оила ва жамият”
газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий
аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳам-
фигр,
ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам
муштарийлар!
Унумтманг, севимли газетанизга йил бўйи
обуна
бўлишингиз мумкин.



Индекс – 176



ҲИҚМАТ

Амир Темур – ҳалқимиз
даҳосининг тимсоли,
маънавий қудратимиз
рамзиdir.
Ислом КАРИМОВ

САХОВАТ ЙЎЛИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик темир йўл компанияси хамкорлигига ташкил этилаётган "Саломатлик" поездлари фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ба маънин етук шахс этиб тарбиялаш, аҳолининг ижтимоий химояга эҳтиёжи бор қатламларини малакали тиббий хизмат билан камраб олишида катта ўрин тутмокда.

Бу йил ҳам "Тошкент - Тинчлик - Конимех - Караката - Мустақиллик - Бузубой - Учкудуқ II - Тошкент" йўнилишида фаолият олиб борган "Саломатлик" поезди мутахассислари томонидан Навий вилоятидаги шаҳар ва туманларда, энг чекка маҳаллалар, қишлокларда истиқомат қиливчи аҳолини чукур тиббий кўридан ўтказиши билан бир қаторда айрим оиласларга манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатилиши.

Юқори малакали терапевт, педиатр, гинеколог, стоматолог, лор, офтальмолог, хирург ва невропатологларни ўзида жамлаган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик темир йўл компаниясининг "Саломатлик" тиббий-санитария ёрдам поезди шифокорлари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Навий вилоятли филиалинг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ва вилоят Саломатлик сақлаш бошқармаси мутахассислари томонидан аниқ лаборатор таҳлилларга ва замонавий текшириш

усулларига таянган ҳолда тиббий текширувлар ўтказилиб, ташхислар кўйилди. Тиббий кўрик вақтида катта ёшдаги аҳоли ўртасида стоматологик, юрак-кон томир тизими, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, асад ва эндокрин, таянч-харакат тизими хасталиклари, болаларда

2014 йил - Соғлом бола йили



эса эндокрин тизими касалликлири (эндемик бўйок), камқонлик, аллергия, касалликлар ва моддалар алмашинувининг бузилиши (рахит) аникланди.

Тиббий кўрик давомида касаллик аникланган бемор болалар ва ўсмирларга амбулатор шароитда, шунингдек, туман, вилоят, республика миқёсидаги шифохоналарда стационар даволаниш учун йўлланмалар берилди.

"Саломатлик" поезди фаолияти давомида оиласда тиббий маданияти шакллантириш, "Соғлом

она — соғлом бола" тамойили асосида ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғломлаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва маънавий юксалтириш мақсадида аҳоли ўртасида "Соғлом авлод учун" фондининг Навий вилоятли филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси мутахассислари, вилоят соғликини сақлаш бошқармаси врачлари, "Махалла" жамоат фонди вакиллари иштирокида давра сухбатлари ўтказилиди. Тадбирлар давомида аҳолига "Шахсий гигиена", "Кариндошлар ўртасидаги никоҳ нима учун ҳавфли?", "Скрининг текширувани биласизми?", "ОИВ ва ОИТС ҳақида биласизми?", "Қандли диабет" каби мавзуларда буклетлар тарқатилди.

Навий шаҳри Тинчлик кўргони, вилоятнинг Навбахор, Нутора, Кармана, Хатирчи, Қизилтепа, Учкудуқ, Конимех, Томди туманларида ва Зарафшон шаҳрида яшовчи аёллар ва болалар саломатлигиги мухофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш билан бир қаторда, вилоят болалар ва түруқ комплексларида хамда кўзи озис, ақли заиф ва кар-соқов болалар махсус мактаб интернатлари, кам таъминланган оиласлар, ногиронлар ва бокувчисини йўқотган оила фарзандларига "Махалла" жамоат фонди билан ҳамкорликда манзилни тарзда озиқ-овкат маҳсулотлари, дори-дармон, уй-рўзгор анжомлари ва санитария-гигиена воситалари хайрия ёрдами сифатида топширилди.

**"Соғлом авлод учун"
халқаро хайрия фонди
Ахборот хизмати.**

Жараён МУШТАРИЙЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан босма оммавий ахборот воситаларини тарқатишни янада ривожлантириш, обуна нархларини арzonлаштириш, газета ва журнallарнинг ўз вақтида муштарийларга етиб боришини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳомасига бағишиланган матбуот анжумани ўтказилиди.

Тадбирда компания тизимидағи корхоналарда вақтили матбуот нашрларини истемолчига тез ва сифати етказиб бериш ҳамда аҳолига кўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар режали тартибда амалга оширилаётгани хусусида маълумот берилди.

Вақтили матбуот нашрларини муштарийларга тарқатишда компанияяда Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги почта алоқаси филиаллари, "Ҳалқаро почтамт" филиали, барча туман почта боғламаси ва алоқа бўлимлари билан кенг ҳамкорлик йўлга кўйилган.

Бугунги кунда ҳам "Матбуот тарқатувчи" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖларнинг вилоят ва туманлардаги барча бўлинмалари, алоқа бўлимлари ҳамда матбуот дўконларида обуна жараёни узлуксиз давом этилмоқда. Ҳозирда компаниянинг веб-сайтидан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали обуна кабул қилиш йўлга кўйилган ва бу хизмат тури янада ривожлантирилмоқда. Шунингдек, чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 турдаги китоб маҳсулотлари савдога чиқарилган бўлса, бугунги кунда 1400 га якин ҳар хи турдаги китоблар тармоқдаги матбуот дўконлари орқали харидорларга тақдим этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси масуль ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Ватан маҳалладан бошланади

ахолисига сифатли пархезбон гўшт, тухум етказиб берәтири. Баҳром Эшниёзов етакчилигидаги "Истиқлонинг 10 йиллиги" кўп тармоқли фермер хўжалиги маҳалламиз хомийсига айланган. Ўтган йили мазкур хўжалик жамоаси томонидан кам таъминланган, бокувчисини йўқотган оиласларга 12 бош сигир берилди.

"Олами тоҷизор саҳовати" фермер хўжалиги жамоаси ҳам байрам ва ҳашарларда совса-саломлар улашибиши, суннат, никоҳ тўйларини ўтказиши муддий ёрдам берисири. Чечакоталиклар бир сўзли, оқибатли ва андишли инсонлар. Улар билан субхатлашсангиз, бу маҳаллада ўч ким — у ҳоҳ кариндоши, ҳоҳ бегона бўлсин, бир-бираининг ҳаётни, қуончу ташвишларига бефарқ эмаслигини илгайсиз. Шунинг учун ҳам тўй-маърака, тадбирни ёки кимнидир ўйлантираётган бирор муммоми, барчаси маҳалла оқсоқоли, фаоллар ҳамда маслаҳатчи Дилбар Раҳимова бошчилигидаги бамаслаҳат, ҳал этилади. Кенгашли тўй тарқамас, деб бежиз айтишмаган.

Бир сўз билан айтганда, бу меҳридарё кишилар ўзлари умргузаронлик килаётган гўшани миллий кадриятлар, урф-одатларимиз, ўзбекона бағрикенглиг қарор топган маскан эканини дилдан хис қиладилар.

**Хошим ОРЗИҚУЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.
Навий вилояти.**



жойда барака ҳам бўлади. Жорий йилда маҳалламиздаги бир оиласа ҳомийлар ёрдамида ўй-жой куриб беришини ният қилгандик, ҳозирда шу уйнинг пойдевори битди, тўрт нафар эҳтиёжданд оиласа 20 донадан товук берилди. Сахиқалб тадбиркорларимиз мудом ўз ёрдамларини аяшмайди, ёши улуг инсонлар, меҳнат фахрийлар ҳам доимий ёзтиборимизда.

Маҳалла маркази ва унинг атрофида жойлашган савдо дўконлари, ошхоналар, шунингдек, сартарошхона, гўзаллик салонлари, тикувчилик

устаҳоналари ва бошқа шу каби хизмат кўрсатиш шоҳобчалари доимо гавжум. Тадбиркор Фазлиддин Ширинов раҳбарлик қилаётган "Ақвонд" хусусий корхонасида 6 та янги иш ўрни яратилиб, коллеж битиричилари шу корхонадан меҳнат фаолиятини бошлади. Маҳаллий шароитда озиқ-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқариши йўлга кўйиш борасида ҳам талай ишлар килинмоқда.

Тадбиркор Олим Тўлаков ҳозирда иккى минг бош парранда парваришлаб нафақат маҳалла, балки туман

— Нодира опа, инсон умрининг қай бир палласида ёришган ютуклигари назар ташлар экан, уларни, аввало оиласи, болалигига олган тарбияси билан боғлиқ, деб тушиуни. Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?

— Биласизми, нафақат ютуклар, балки ёришилмай қолган натижаларга ҳам кўпинча оиласидаги мухит сабаб бўлади. Чунки инсоннинг камолотга етишишида таълим-тарбия, ота-онанинг шахсий ибрати жуда катта аҳамиятга эгадир. Отам — акушер-гинекология йўналиши бўйича мамлакатимизда биринчи академик Ислом Зохидов, онам — она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нуубуват Юсупова шу кутлуғ касбнинг фидойиси эдилар. Улар биз — ети нафар кизларининг билим олишига ҳар доим ётиборли бўлишган. Тўғри, улар хеч качон бизни китоб ўқишига мажбурламасди. Ҳар куни ишдан кайтишгач, уйда китоб ўқишилари, ўз устида изланышлари бизга беихтиёри бират вазифасини ўтаган, десам янгишмайман. Шу билан бирга, шифо излаб олис йўл босиб келган беморларининг соғайиб уйига қайтганлари, оғир аҳволда келиб, фарзандли бўлган аёллар ҳакидаги фикрларини оила даврасида жон кулогимиз билан эшитарканмиз, бола қалбимизда шифокор нахжоткор экан-да, деган тасаввур ўйғонарди.

— Болалик тасаввур ҳавасга айланниб кейинчалик сизни тиббиёт институтига етаклаган экан-да?

— Нафақат мен, балки ети опа-сингиллар барчаси тиббиёт соҳасини танлади. Хозирда ҳаммамиз ўзимиз севган шифокорлар касбидан фарзанди кўрсатиб, элизим саломатлигни асрар-авайлашда астойдил интилиб келмоқдами. Отасининг раъиига қараб шу касбни танлашган бўлса керак, деб ўйлашлари мумкин. Лекин раҳматли отам ҳам, онам ҳам бирор биримизга шифокор бўласан, деган талабни кўймаган. Аксинча, фақат қизикишимизга қараб улар бизни рагбатлантиришган. Айниқса, отамнинг ўз иши ҳакидаги ҳикояларидан биз каттиқ таъсирланандик, хаёлан бўлсада ўзимизни шифокор деб тасаввур килардик. Ўзим ҳали 6-, 7-сinfларда ўқиб юрган кезларимдаёт отамнинг китобларини ўқиб-ўрганишга интилардим. Умуман, китоб ўқиш, билим олиши биз учун ҳаммасидан мухимроқ юмушди.

— Демак, бугун ҳам оила даврасида сұхбат мавзуси тиббиётта, соҳадаги янгилик ва ўзгаришларга боғланиб кетади, шундайми?

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат тиббиёт институти акушер-гинекология кафедраси мудири Нодира Зокирова учун эрталаб ишга келиб, оқиҳалат кийиш ўз вазифасига киришишдан олдинги оддий бир ҳолат эмас. Ҳар гал бугун ҳам қанча аёлларнинг фарзандли бўлишдек катта саодатга етишида мадад бериши мумкинлигини ўйлаб бир энтиши дилидан кечади.

ШИФОКОРЛАР СУЛОЛАСИ

— Албатта, опа-сингиллар жам бўлсан, улар орасида окулист, терапевт, педиатр, инфекционистлар бор, тиббиёт мавзусида кўпроқ сұхбатлашмиз. Фарзандларимиз орасида ҳам касбимизни танлаганлари борлигини

қизи" деган ном бизларга катта масъулият юклайди. Яхши шифокор бўлиш баробарида шу номга муносиб бўлиш имрек, деган бурч ҳисса билан ишлаймиз ва доим шунга амал қилалимиз.

— Айни пайтда соҳанинг етук билимдони, тиббиёт фанлари докторисиз, илмий изланишларнинг ҳақида ҳам тўхтальсангиз.

— Хали тала-балик йилларимдан оқилемий иш килишим керак, деган мақсадим бор эди.

Устозим, академик Екатерина Вихляева раҳбарлигига кўп



назарда тутсак, бу мавзу биз учун қанчалик мухим эканлигини англайсиз. Отамиз каби аввало ўзимиз фарзандларимизга намуна бўлишга ҳарарат киламиз.

— Тиббиёт соҳасида катта ишлар килган таниклик академикнинг фарзанди эканнинг ёришган ўтикларнингизда қай дарражада акс этди, деб ўйлайсиз?

— Биласизми, тиббиёт соҳасида етук олимнинг фарзанди бўлиш билан ҳурмат, ётибор топиш мушкул. Чунки, беморни тўғри даволаб, унинг соғайиб кетишига ҳисса кўша олмас экан, нафақат шифокор, балки одамлар назаридаги ҳам "яхши шифокор" деган номни қозониб бўлмайди. Бу эса аслида ҳар бир соҳа ҳодимидан тинимизмиз ўз устида изланышни талаб килади. Шу боис ҳам "академикнинг

фарзандли аёлларнинг муаммолари юзасидан илмий олиб боришига киришдим. У пайтларда барча илмий ишлар Москвада хўмоя қилинади. Бир неча кунлар Москвада, оиласидан узоқда қолишимга тўғри келган, кутубхоналарда манбаларни излаб, ўрганиб, сўнг ярим кечагача устозим билан уларни таҳлил килардик. 1985 йилда номзодлик ишмени мувоффақиятли химоя қилдим. Илмий тадқиқотларимдан кетма-кет, кўп фарзандларимдан оналарнинг соғигига зарар етказиши, бунинг олдини олишида уларни ўз вақтида контрацептив восита-лар билан камраш лозимлиги илмий далиллар асосида таҳлил этилган. Бирор, бу масалаларга ўша даварда ётибор қаратилмагани туфайли оналар, болалар ўлими кўрсаткичлари жуда юқори эди.

Орамиздаги одамлар

Докторлик ишим ҳам шу мавзуга якин, яни оналар ўлими кўрсаткичларини камайтириш йўллари бўйича давом этди. Бу мавзуда илмий рахбарим, тиббиёт фанлари доктори Даимин Асадов билан кўп изланышлар олиб бордик.

Оналар ва болалар соглигини мухофаза килишга мустакиллик йилларида давлат сиёсати даражасида алоҳида ётибор қаратилмоқда, бу мухим масалага тизимиш равишида ёндашилгани бугун ўз ижобий самараларини беради. Бир пайтлар оддий, асоратсиз кечадиган тугурукларнинг ўзи камёб ҳодиса эди. Аёллар кўпинча хасталикни ўткизиг, оғир холатдагина шифокорга мурожаат этишади. Бугун айнан чекка худудларда истиқомат қилувчи фертиль ёшидаги аёлларнинг ҳам тиббиёт кўридан ўтиши, бирламчи тиббиёт мусассасалари — қишлоқ врачлик пунктларининг флајирият юритаёттани, вилоятлардаги шифокорларнинг туманларда ўтказилаёттани тиббиёт кўридан ёшидаги хотичин-қизларнинг тиббиёт мадданияти ошишига хизмат қилмоқда.

— Доим оналар саломатлиги йўлида изланышлар олиб бордигиз, уларнинг соғлом фарзанд кўришлари йўлида ҳаракат қилдингиз. Табиийки, оиласига учун камароқ вақт ажратишингизга тўғри келгандир...

— Мени тушнадиган зиёли оиласига келини эканим мен учун чинакам баҳт, тақдирнинг бекиёс инъоми бўлди. Илмий иш юзасидан сафарларда бўлганимда фарзандларимга меҳрибон кайнонам ўзимдан-да яхшироқ ғамхўрлик кўрсатди. Умр йўлдошими ўткам Бўронов мени ҳар доим кўллаб-куватлаб турди. Бугун ўғлим Аъзам, кизларим Лола, Мадина, келиним Фарангиз — ҳаммаси ўқимишли, ҳаётда ўз ўрнини топиб, турли соҳаларда меҳнат қилишишти.

Назаримда инсонда кучли мақсад, истак, хоҳиш бўлса, вақтдан ҳам ютиш мумкин. Инсон учун маънавий дунё-карашини кенг килиб, илим уммонига ўнгиши ба ёшилар натижасини амалиётга татбик этиши, энкорига ярашдек улуф мақсад бўлмаса керак. Энг мухими, бундай эзгу мақсад йўлида оиласига ҳам сиз билан бақамти бўлса, инсон юраги янада кучга тўлавверади, бундан зиёда баҳт йўк.

“Оила ва жамият” мухабири Гулруҳ МўМИНОВА сұхбатлашди.

ҚАЙНОНАЛAR БЕЛЛАШДИ

Исталган хонадонга борсангиз, останова сизни самимий қарши олган уй бекасига қараб ўша ўйдаги мухитни озми-кўйми тасаввур қиласиз. Оиласида мавнавий мухит соғломлиги эса хонадон аъзоларининг ўзаро муносабатига узвий боғлиқдир. Бу борада маҳалла фарзандларининг хайрли ишлари, ҳамкорлика ўтказилаётган турли тарғибот тадбирлари ҳам ҳаётий аҳамият касб этиади, албатта.

Яқинда Шайхонтохур туманинг “Ўқи” маҳаласида “Энг на-мунали қайнона” кўрик-тандлови бўлиб ўтди. Үнда мазкур маҳалла истиқомат қильувчи оиласар соҳибалири бўлмиш ибратли, зақоватли, маънавиятли-маърифатли қайноналар катнашиб, шарт асосида беллашдилар. Жумладан, қайноналии бурчи ва масъулияти, оила фарононлиги, келин тутиш одоби, невараларга

муомала-муносабатлари ҳақида-ги фикр-мулоҳазаларини баён қилиши. Оналар ва болаликни мухофаза килиш, ижтимоий-сийёсий, маънавий-маърифий ва маданий мавзулардаги саволлар юзасидан билим ва тушунчаларни намоён этишиди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси Мухиба Ҳамидова, Республика “Оила” илмий-амалий маркази етакчи мутахассиси, филология фанлари доктори Мунаварра Ёкуббекова, тиббиёт фанлари номзоди, Назира Фуломова, Фарида Махкамовлар 2-ўрин, Мамлакат Мирхолиқова, Соттихон Ҳайдаровлар 3-ўринга лойиқ деб топилди. Голиб ва иштирокларга маҳалла фуқаролар йигини томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Оила мустаҳкамлигини таъминлашда қайноналарнинг зако-вати, ёшларига мос иш тутишла-

ри нақадар мухимлигини ҳар биримиз яхши тушунамиз, — дейди мазкур маҳалла маслаҳатчиси Диором Файзиева. — Шуни назарда тутиб, онахонларнинг ҳаёт тажрибаларини ибрат тарзидаги намоён этиши максадида ушбу танловни ўтказиши ҳақида маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашдик, маҳалладолашдиримиз ҳам бундай тадбир ўтказилишидан маннун бўлишиди.

Тандлов натижаларига кўра Диором Шофайзиева 1-ўрин, Назира Фуломова, Фарида Махкамовлар 2-ўрин, Мамлакат Мирхолиқова, Соттихон Ҳайдаровлар 3-ўринга лойиқ деб топилди. Голиб ва иштирокларга маҳалла фуқаролар йигини томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Феруза ОРИПОВА,
журналист.

ТИББИЙ КЎРИК ЎТКАЗИЛМОҚДА

“Соғлом авлод учун” ҳалкаро ҳайрия фонди она ва бора саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оиласардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жihatдан кўллаб-куватлаш борасида мухим ишларни амалга ошириб келмоқда.

Фонд ташаббуси билан мамлакатимиздаги ногирон болаларни, кам таъминланган оиласардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жihatдан кўллаб-куватлаш борасида мухим ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шу кунларда Германиянинг “Friedensdorf International” ҳалкаро ташкилоти мутахассислари Коракалғофистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Кашиқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидаги бемор болаларни тиббиий кўридан ўтказмоқда. Тиббиий кўрик натижаларига кўра, энг оғир деб топилганлар жорий Йилнинг август ойида Германия клиникаларидаги тезкор даволаш, кўшиш асоратлари бўлган болаларни пластик операция килиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Шу кунларда Германиянинг “Friedensdorf International” ҳалкаро ташкилоти мутахассислари Коракалғофистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Кашиқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидаги бемор болаларни тиббиий кўридан ўтказмоқда. Тиббиий кўрик натижаларига кўра, энг оғир деб топилганлар жорий Йилнинг август ойида Германия клиникаларидаги тезкор даволаш, кўшиш асоратлари бўлган болаларни пластик операция килиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Ўз мухабirimiz

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти, "Мехнат шурхати" ҳамда "Эл-юрт ҳурмати" орденлари соҳибаси Рихси Иброҳимова ўзининг мунис ва мунавар чехраси, бетакрор роллари билан санъат мухлисларининг қалбидан жой олган. 16 ёшида санъат даргохига келган Рихси опа театрнинг тамал тошини қўйган улуг санъаткорларнинг этагидан тутиб, уларнинг маҳорат мактабида тоблангани, чархланганини ўзининг энг баҳти дамлари деб билади.

Рихси ИБРОХИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ТЕАТР ЖОНЛИ КИТОБДИР

— Рихси опа, Ўзбек Миллий академик драма театрининг катта тўйи арафасида турибмиз. 60 йиллик умрини саҳнага баҳш этган бир фидойи санъаткор сифатида айни пайтда кўнглинигиздан кандай ўйлар кечаяпти?

— Гувохи бўлиб турганингиздек, не-не улуг устозларимиз ижод қилган мана шу кутулғаро даргохнинг бир асрлар тўйини нишонлашга кизгин ҳозирлик кўраяпмиз. Муҳтарам Президентимиз "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида" ги қарори билан театр санъатининг юртимиз тараққиётидаги, маънавий етук ва барқамол авлод тарбиясидаги ўрнина яна бир поғона юксакка кўтардилар. Чиндан хам театр — маърифат даргоҳи. Саҳна эса томошабин учун жонли китобга ўхшайди. Актёрнинг овозидағи титроқ, кўзидағи учкун, айтмоқчи бўлган хар бир гапи томошабиннинг юрак-юрагига етиб бориши керак.

5-синфда ўқиётганимда мактабимиздан бизни мазкур театрга олиб келишган. Халиям кўз ўнгимда: саҳнада куролланган аскарлар пайдо бўлди. Шовкин-сурон бошланди. Кейин эса коронгилик тушди-ю, милитик ушлаган аскарлар йўқолиб, унинг ўрнида бир бойнинг фиштдан курилган янги хона-дони, ортида шийлон, кўм-кўк дарахтлар ва гуллар пайдо бўлди. "Бу дарахт қаҷон кўкарди, гуллар қаҷон очилди, бинолар, шийпонлар қаҷон курилиб, бундай чиройли холга келтирилди" деган ўйда хайратдан лол бўлиб қолганман. Институтда ўқидим, актриса бўлдим, декорация нималигини кўрдим, лекин болалигимдаги ўша манзара халиям кўз ўнгимда сақланаяпти.



Суратда: Рихси Иброҳимова (ўнгда) Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова ҳамда иқтидорли актриса Дилноза Кубаева билан.

Театримиз актёrlарни ўқитадиган катта академия. Мана шу даргоҳда ишлаб юриб, канчадан-канча улуг зотларни учратдим. Республикализмин барча вилоятларини айланни чиқдим. Машнамиз йўлда бузилиб, пінёдлаб юрган пайтларимиз хам бўлган. Ёшлар, ўкувчilar билан учрашув чоғида уларнинг берган саволларини ўзитиб, билимдонларини кўриб кувонганман, йўлдаги мешақатларимиз эсимииздан чиқиб кетган, уларга ҳурматим ошган. Халқимиз орасида юриб, жуда кўплаб учрашувларда катнашиб, истеъоддларни ниҳоятда кўплигига гуваҳ бўлдим. Бугун микрофонни сўргичдек ушлаб олган, фонограммадан бошқасига ярамайдиган, аммо ўзини осмондаги "юлдуз" деб хисоблаётган ёшларни кўрганимда, "Эссиз умр, эссиз вакт", дейман. Илгари истеъоддларни уйма-уй юриб излашган. Театримиз катта тарихга эга. Аёл актисалар бўлмаганлигидан эрраклар аёллар ролини ижро этишган. У пайтларда ота-онаси олам-

дан ўтган, ҳеч кими йўқ қизларни театрга ишга олишарди. Орадан йиллар ўтди. Кейинчалик ота-оналарнинг ўзлари болаларини мусика мактабига, санъат институтига етаклаб кела бошлаши.

— Бугун театрларимизда одам савдоси, гиёх-вандлик ва терроризм иллатларини очиб берувчи драма асарлари намойиш этилаяпти. Буларнинг барчаси ўшларимизни аросат дунёсидан, ёмон куткулардан асрашга хизмат қилади, уларни оғоҳликка чорлади. Яна қандай муаммаларни кўтариш ва томошабинлар хукмiga ҳавола этиш керак деб ўйлайсиз?

— Бир умр эскирмайдиган глобал мавзуларни олиб чиқиш керак. Фалсафий мушоҳадага бой адиллар асарларини саҳналаштириш керак, уларда умуминсоний түйгулар, муаммолар акс этган бўлсин. Ахир ҳаёт факат эру хотин, қайнона-келин, отабола ўртасидаги майда-чӯйда маишси мусобатлардан иборат эмас-ку! Жилгалар катта денгизга, денгизлар океангага қўйилгани каби, калбни ларзага солаидиган, юррак катта тўлқинларни олиб кирадиган мавзулардаги спектакллар томошабиннинг калбига маънавий озука беради.

— Рихси опа, халиям спектаклларда бандисиз. Саҳна фидойиларни сийлади, деган гап ростми?

— Бўлмасам-чи! Салким олтмиши йилдан бери саҳна-

даман. Замира опа, Шукур опа Олим акалар билан бир сафда ишлаганимдан баҳтилман. 17 ёшимдан 30 ёшимгача улар билан битта саҳнада бош ролларни ижро этдим. "Гамлет", "Шошма, қўёш", "Кузин" биринчи куни каби спектакллардаги ролларимни эсласам, камчиликларимни кўриб, "Эх, бугунги ёшимда ижро этганимда тўлақонлиро чиқарди" дейман. Афсус, иложи йўқ. Саҳнада бир марта ижро этилган роль шундай қолади. Такрорламайди. Композиторнинг мусикаси ноталарда, рассомнинг изгандлари суртида, адабнинг, шоирнинг ёзганлари китобларида колади. 100 йилдан кейин хам ўқийверасан, аммо биз ва устозларимиз ижро этган ролларни қайтаришнинг асло иложи йўқ. Телевидение ва радионинг олтин фондидаги постановкаларда овоздаримиз сакланиб қолди холос.

Театр саҳнасидаги меҳнатимиз туфайли ҳалқнинг меҳри билан тақдирландик. Ўша кезлардаги спектаклларимиз одамларнинг ёдидаги қолди. Афсус килганим шуки, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаевларнинг ролларини бугунги авлодга кўрсата олишнинг иложи йўқ. Улар ролларни шунчаки ижро этишмаган. Яратган образларда ҳарорат ва виждан нафаси уфуриб турарди. Биз хам улардан ибрат олиб, ўзимизга берилган ролни юрак титроғи, қалб кўри билан ижро этардик.

— Саҳнада ҳаёт машакатларини мардонавор енгиги ўтаётган, борига шукур килиб, қаноат билан ўшаётган аёлнинг руҳий кечинималарини бетакрор талкин этгансиз. Сизнингча, аёл нимадан куч олади?

— Аёл зоти учун юрт тинчлиги, оиласининг фарононлиги, болаларининг камолоти азиз. Эл-юрт хизматидан сира чарчамайдиган, кучли ва сергайрат аёлларни билашман. Уларнинг килаётган ишлари айрим эрқакларимизга хам ўрнак бўлгудай. Ўзим хам онаман. Ўғлим, кизим ва на-бирадарим бор. Шуларнинг баҳти, иқболидан куч олиб яшайман.

Эн катта тилагим, ҳеч бир юртда уруш бўлмасин. Эл-юрт тинч, осмонимиз мусаффо бўлса, одамларнинг турмуш тарзи янада фарононлашади. Санъатимиз, маданиятимиз ривоҳланади. Бугун мамлакатимизда байрамлар байрамларга уланмоқда. Юртимизнинг эртаси янада ёруғ, ўшларимизнинг тарақкiet сари одимлари бунданда дадил бўлишига ишончим комил. Мана шундай файзи ёб юртда туғилганимдан, бетакрор тарихий обидалари, қадимий шаҳарлари, миллий қадрият ва анъаналари билан дунёни хайратга солаётган ўзбекистоннинг фарзанди эканимдан фахрланаман.

Мехринисо КУРБОНОВА
сұхбатлаши.



АНДИША — шарм-ҳаё, орномус бурчларига амал килиш хиссими англатадиган бу сўзининг туб маъноси "Фикр, мулоҳаза, ўлаш" маъносини билдиради. Дарҳақиқат, Фикр-мулоҳаза бор жода андиша хам мавжуд бўлади. Андиша бизнинг ҳалқимизда тўйғу дараҷасига етган амал саналади ва кадрланади.

Андишанинг отини кўрқоқ ўйманг!

Мақол

ДЕКАБРЬ — қадимги юонон тилида "дека" деган сўз "ўн" маъносини англатган. "Ўн кунлик" деган маънони билдирган "декада" сўзи, "ўнбоши" маъносини англатган "декан" сўзининг туб илдизи хам худди шу "ўн" сўзи мазмунидаги "дека" сўзига бориши тақалади. Кейинчалик бу сўз лотин тилига кўшимча билан "декабр" бўлиб ўтган. "Декабр" сўзи "ўнинчи" деган маънони англатади. Ҳозирда бу сўз янги ҳисобдаги календарь йилининг ўн иккинчи ойи номини ифодалайди.

МАТАЛ — тилимизда тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, хикматли сўзга "матал" дейилади. Маталнинг мақолдан фарқи хам шунда, яъни унда тугал маъно берилмайди. Масалан, "қизил қор ёққанда", ёхуд "түянинг думи ерга текканда" каби, маталлар гап орасида келиб, маънони тўлдиради. Баъзи ўринларда бу сўз "қисса, масал" маъносида хам келади.

Ўзбек тили маталларга жуда бой тил хисобланади.

Бу кампирнинг тилидан гап чиқса бас, албатта унга матал аралашади.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.



МАКАРОН СИФАТИНИ ФАРҚЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳозирда деярли барча озиқ-овқат дўйонларида пештахталардаги турли хил ва шаклларда тайёрланган макарон маҳсулотлари бисёр. Уларнинг турлари кўплиги; чиройли қадоқланганини кўриб, қайсисини харид қилишни билмай қоламиз баъзида. Аммо, айрим холларда биз сотиб олган макарондан таом тайёрлаётганимизда у бирпаста эзилиб, бемаза ва сифатсиз маҳсулот эканлигини кўрсатади. Албатта, энди ун дўйонга қайтариб олиб боришга кеч бўлган бўлади.

Ҳўш, макарон харид қилаётганда бу маҳсулотнинг қайси жihatлariiga эътибор бериш керак?

ТАРКИБИ МУХИМ

Макарон танлашда, аввало унинг қадоғига-ги ёзувларни ўқиб кўриш лозим. Уерда А – факат қаттиқ бугдой унидан, Б – юмшоқ шаффоғ бугдой унидан, В – паст навли унларнинг қай биридан тайёрланганлиги кўрсатилади. Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун олий ва 1-нав ун, сув асосини хом ашё бўлиб хизмат қиласди. Тухум, қаймоги олинмаган ёки кутилган сут, хушбўй таъм берувчи зираворлар кўшимчама маҳсулот бўлиб хизмат қиласди. Агар бундай бойитувчилар аралаштирилса, нав кўрсатичи ёнига таъм кўшимчаларининг номлари ҳам ёзилади.

ҚАЛБАКИ ТАЙЁРЛАНГАН БЎЛСА-ЧИ?

Қадоқда турган пайтнинг ўзида ҳам унинг кўринишидан макароннинг сифатини таҳмин килиш мумкин. Рангитиник, яъни, оч-сарғиш ёки сарғиши вирикни килиб ишлаб чиқарилган макарон яхши таъмга эга бўлади. Бундай маҳсулотлар қайнатиб пиширилгандан кейин шаклини саклаб қолади, қайишкок, юмшоқ бўлиб, ҳажми камиди 2 баробар ортади. Пиширилган сув хушбўйлигини саклаб қолади.

Синиклари кўп, корамтири макаронлар эса сувда тез эзилувчан ва бемаза бўлади. Бундайларини синиклаб қарасангиз, уларда доглар борлигини кўрасиз. Қолаверса, аччикроқ ёки баъзан могоғ хиди ҳам келиши мумкин.

САРИҚ, ЛЕКИН ТУХУМЛИ ЭМАС

Кўччилигимиз калорияси кучлирок, деган ўйда тухумли макаронларни харид қилишни лозим кўрамиз. Маҳсулотнинг сарғиши таркибида тухум борлигини билдиравермайди. Айрим пайтларда унга рангли бўёклар ҳам кўшилган бўлиши мумкин. Бу каби сунъий аралашмалар солинган, рангли макаронларни харид қилмаган маъқул. Улар ўз табиилигини йўқотган бўлади. Агарда ранглар мева ва сабзавотлардан яъни – исмалок, сабзи, лавлаги кабилардан олинган бўлса, бу ҳақда қадоқдаги ёзувда кўрсатилган бўлади.

ТЕЗПИШАР УГРАЛАР

Макаронлар албатта 10-15 дакиқа давомида қайнатиб ёки димлаб пиширилади. Шу боисдан ҳам тез пишувчи утра – ҳақиқий макарон эмас. Утра дарҳол тайёр бўлишининг сири – унда юмшатувчи, куюқлаштирувчи моддалар, крахмал ва ёлар бор. Таркибига таъм бериш учун глютамат, ташки макаронни учун эса бўёклар кўшилади.

Барно МИРЗАҲМЕДОВА тайёрлади.

«ЎҚТАМХОН-НУР» ўкув маркази

куйидаги ўкув курсларига тақлиф этади:

Тикиччилик – 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари – 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто – 1-2 ой.
Ҳамшира – 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) – 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж – 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириклар – 2 ой.
Олий торт безатиш курси – 1 ой.
Үйгур, Европа таом ва салатлари – 2 ой.
Жаҳон таомлари – 2 ой.
Аёллар сартарошлиги – 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж – 1 ой.
Бухгалтерия хисоби – 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш – 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси – 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш – 1 ой.
Сартарошли – 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирюк, киприк ўстириш ва дипелиция – 1 ой.
Каштачилик – 3 ой (машинада вышивка). Тўкуччилик – 3 ой.
Инглиз тили – 3 ой, рус тили – 3 ой, турк тили – 3 ой, корейс тили – 3 ой.
Бисер, яъни мунҷоқ тикиш – 2 ой.
Декоратив гул ясаш – 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш – 1 ой.
Бисердан гуллар, дараҳтлар ясаш – 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) – 3 ой.
Компьютер сабоклари – 2 ой, Интернет – 1 ой.

Барчаси амалиётни билан. Ёткоҳона мавжуд.

Ўқишини туттишларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МУЛЖАЛ: Юнусобод дехон бозори бош тарафи оркасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰дан 22⁰⁰гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-ий 40-хона. МУЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кунчудзу).

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги дазмолларнинг илмий нусхаси 2500 йил аввали Хитойда кашф этилган экан. Қадимги Гречияда эса қиздирилган симчиликлар билан матолар текисланади. Римликлар бу метал анжомга болға шаклини беришган.

Эндилиқда эса дўйонлардаги бир-биридан бежирим ва замонавий дазмолларнинг кай бирини танлашни билмай юшиб қоламиз. Ҳўш, дазмол харид қилаётганда нималарга эътибор бериш лозим?

— Аввало дазмолнинг таглиги сифатли бўлиши керак, — деди электр анжомлари савдоши билан шугулланувчи хусусий тадбиркор Улуғбек Тўрахонов. — Ҳозирги кундан титан, металлокерамика (тифон), сапфир таглиги дазмоллар сотувга чиқарилмоқда. Айримларидаги кўшимча тагликлар матони докасиз текислаш имконини беради. Вертикаль чизикил тагликлар эса кийимларни куйиб колишидан асрайди.

Сувли ва сувсиз ишлайдиган дазмоллар хам мавжуд. Сув билан ишлайдиган дазмолни харид қилаётганда унинг буғ кувватининг кучлилигига (100 граммдан юкори 200 граммгача) эътибор бериш зарур. Бундай дазмолларга минерал

СИФАТЛИ ДАЗМОЛ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

Сув ёки қайнатиб тиндирилган сув солиши мақсадга мувоғиқ. Ишлатиб бўлгандан сўнг сувини бўшатиб кўшиш керак. Буг куввати 200 граммга яқин дазмоллар ўзини ўзи сув колдикларидан тозалаш хусусиятига эга. Агар ушбу функцияси бўлмаса, кучли буг ёрдамида ҳам уни тозалаш мумкин. Айрим дазмоллар буг ёрдамида матоларни ҳам тозалаб бера олади. Сувсиз ишлайдиган дазмолларнинг эса оғиррингини танлаш мақсадга мувоғиқ.

Дазмолнинг вилкасига ҳам эътибор каратиш лозим. Уч вилкалар дазмолларни электрга улаш нокулай. Уларга кўшимча вилка уланса, дазмол кучини кўтаролмай тезда эриб кетади.

Электр ўтказгич симининг усти мато билан қоплангани, узунроқ ва қалинроғи чидамли, хавфсиз бўлади. Симнинг дазмолга уланган жойи резина бўлгани маъқул. Пластмас-салиси тез синиб, дазмол яроқсиз холга келиб қолади.

Дазмол кўплаб таъкидинга бугун-кассэттаги ётган. К и й -



Дазмол кўплаб таъкидинга бугун-кассэттаги ётган. К и й -

ракиёт босқичларидан гидай бежирим киёфа Кадимда гижик бўлган имлар ёки матони текислаш учун андавага ўштаби ясалган ёғоч асбобдан фойдаланашиганди. Кийим маҳсус тус таҳтага кийдирилиб, унинг устидан андава яъни таҳта-дазмол юргизилган. Бу жараён катта куч ва узок вақтни талааб этган. Ҳатто келин танлашда ҳам мана шундай дазмоллаш усули кўл келган. Агар бўй етган киз таҳта-дазмол яъни андавани бир кўлида ушлаб, кийим фижимини текислай олса, турмушга тайёр деб хисобланган. Агар у иккى кўлида шу ишни бажарса, «Хали бу қиз нимжон экан», деб совчиларнинг хафсаласи пир бўлган.

Дазмолнинг таги қорая бошласа, электрга уланиб, энг юкори даражада қиздирилиб, маҳсус бўр (рўзгор буюмлари дўйонларидан сотилиди) суртилади ва дагал мато билан артиб ташланади. Сув солинадиган қисми эса кучли бугда колдиклардан тозаланиб, электрдан ўчирилади. Қарабисзки, дазмол янгидай бўлиб колади.

Латофат САҶДУЛЛАЕВА тайёрлади.

СУТ

КўПАЙТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Олий тоифали шифокор, гигиенолог Маҳмуда ИМОМҚУЛОВА тавсиялари:

— Эмизикил аёллар кўкрак сути камайиб кетмаслиги учун, аввало, витаминларга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилишлари, кун давомида оз-оздан 5-6 марта бовинишилларни лозим. Мутахассислар фикрича, кунига 2-3 литр



сув ва суюклик истеъмол килиш хам она сутини кўпайтиришда мухим омил хисобланади. Гўшт ва гўштиларни махсулотлар ҳам таомномада бўлиши шарт. Парранда ва ёғиси мол гўшти гемоглобининг кўтарилишига ва организмада оксис кўпайтишига хизмат килади. Балик гўшти Д витаминига бой бўлиб, гўдакнинг суклари ривожланишида жуда фойдадиди.

Оксил ҳамда кальций етишмовчилиги натижасида юрак-қон томир тизими фаолияти бузилиши ва раВих касаллиги келиб чиқиши мумкин. Агар эмизикил она кўпроқ сут маҳсулотлари истеъмол қўлса, фарзанди бундай хасталиклардан безотвалманмайди. Чунки, сут бола ошқозонида осон ҳазм бўлади. Шунингдек, турли бўткалар ҳам оналар учун енгил ва фойдади егулик хисобланади. Иссиқ таом тановул қилгач, 30-40 дакиқадан кейингина болани эмизган маъқул.

Боланинг дастлабки 2-3 ойлик даврида ёш оналарга ёғли, ковурилган овқатлар ва айрим мева-ларни истеъмол килиш қатъий чеклангани боис, кейинчалик бундай таомларни оз-оздан тановул қилиб, «янги» маҳсулотга бола организмини ўргатиб бориш зарур. Чунки она сутининг витаминларга бой бўлишида мева ва сабзавотларнинг ҳам аҳамияти катта.

Ёш оналар учун газли ичимликлар ва кора қарҳа ичиш асло тўғри келмайди. Агар аёл ҳомиладорлик даврида бироз тўлишган бўлса, озиш мақсадида ўзини таомлардан саклаб парҳез тутиши ҳам мумкин эмас.

ХИКМАТЛАР

Умид — бу уйғоқ тушдир.

Дўстлиг кўпнинг аслида дўстлиг йўқ.

Илмнинг томир отиши азобли, аммо ҳосили ширин.

АРИСТОТЕЛЬ

ЭЪЛОН!

СОТИЛАДИ

Мирзо Улуғбек тумани Ҳумоюн мавзесида 30-ий, 13-хонадон, 5 хонали. 9 каватли уйнинг 7-қаватида жойлашган.

Тел.: 8 371 235-33-83,
+99891 186-66-71

Табиатан чиройли қиз эдим, ўзимга яраша ғурурли ҳам. Шунинг учун инситуттуда бирор йигитнинг дил изҳорига парво килмасдим. Бир куни у ҳаётимга кириб келди-ю...

Унинг нимаси мени ўзига ром этганини ҳанузгача билолмайман. Хуллас, мен унинг севиг қолгани ҳақида ги сўзларига бефарқ бўла олмадим. У бадавлат оиласда ўсганди. Шунданми, сўзлари дадил, доим яхши кийиниши ва яхши машиналарни миниши билан бошалардан ажраби туарди. Дилимдан бундай хислар кечагетганини пайкаран онам сўради:

— Ким у, эшитишимча, авави Рустам аканинг ўғли эмиш.

Мендан баҳти одам йўқ эди. Комроннинг ишдан келишини интизорлик билан кутар, уни жону дилим билан севганим учун қайнона-қайнотам ва қайнингларимга ёкишга уринардим. Шукр, холос хизматларим зое кетмади, уларнинг менга нисбатан муносабати яхши эди. Лекин...

Орадан бир ярим йил ўтди, фарзанд кўрмәтганим боис ўргага совуқчилик туша бошлади. Мен бу ҳақда кўп ўйламасдим, лекин қайнонам, қайнингларим мени ва эримни гоҳ у, гоҳ бу шифокорга олиб борар, гоҳида фолбину табибларга судраб юришдан чарчамасдилар. Охирги даволанишмадан сўнг уч ой ўтиб ҳам янгилик бўлма-

ҳам машинаси бор эди.

— Шоҳбозбекнинг бирорта ўртоги уйланяпти, шекилли, — дедим дугонамга. Шунча уринмай машинада ўтирган келин-куёвни кўра олмадим.

Ўшанда ёнимиздан ўтиб кетган машинада ўтирган келин-куёв Комрон ва... кундoshим экан. Афуски, буни кейин билдим.

Шу куни кечкурун Комрон келди. Негадир, бошқача. Японяни костюм-шим кийиб олибди, ўзига ҳам бошқача оро берган. Юрагим шув этиб кетди. Ҳар қанча савол берид кўрмай, у гапириши истамади. Чарчаганини баҳона килиб, шундоқина мөҳмонхонадаги диванда ухладин билди. У ширакайф эди.

— Ўғлим бечора нима қилсин? Иккى йилдан бўён битта бола туғиб беролмадингиз-ку! Ўзи ўқишингиз тугашини кутиб, кеч уйланди. Аслида сизни келин қилгим келмаганди аввал-бошда, дадангиз бир бетийиқ одам бўлса. Ўзиям уч марта хотин кўйган экан, — деди онамдайн меҳр кўйган инсоним.

Бошимга тоғ қулаг тушгандай бўлди. Ҳайрият, шу пайт эрим келиб қолди. Унинг ёқасига ёпишдим. У мени юпатди. Уйга киргач: «Онам маҳбурлаб уйлантириди, нима қилай, чорасиз қолдим. Қараб тур, кўнгумай у билан ажрамашам. Яна аввалгидай бирга яшаймиз. Менга ишон, сенсиз ҳаётнинг қизиги йўқ», деди кўз ёшларимни артиб.

Аёл ҳаётда суюнчик сиз қолмасин экан. Шу тобда менинг учун эримни йўқотишиша шундай суюнчик сиз колишим билан баробар эди. Яна унга ишондим. Лекин бу уйда колишини истамасдим. Отамнинг уйига қайтидим.

Тунлари кўз ёш тўкиб чиқардим. Кундузлари ишхонамга келган Комрон мени алда шада н чарчамасди. Ҳаммасига нуқта қўйиши истасам, у мендан асло воз кечмаслигини айтади.

Одамлардан унинг ўша — кўп қаватли ўйлардан квартира сотиб олиб, ўша ерда уйлангани, у уйга ҳар куни бориб туришини эшишиб, ўз ёғимга ўзим қоврилардим. Азобли кунлар ҳам ўтаркан, иккى ой ўтиб мен кўркиб юрган хабарни эшидид, кундошим ҳомилдор бўлиди.

Шу ондаёт эрим билан ажрашиша аҳд қилдим. Аммо ўрагингга маҳкам ўрнашиб олган инсонни унутиш осон бўлмас экан. Комрондан ўзимни қанча олиб қочмай, у ўйларимда пайдо бўлар, яна ўша муҳаббати ҳақида гапириб, мени аврарди...

Онам ҳам гапни кўндаланг кўйиб:

— Пешонангда борини кўрасан, у худбин билан ажраш. Бола туғилганидан сўнг у қорасини кўрсатмай кўяди. Сен эса ҳеч нимасиз қолаврасан. Ажрассанг, ҳаётнингни бошкатдан бошларсан!

Бу айтишгагина осон эди. Бир танамда иккى инсонга бўлинни қолдим гўё. Онам узоқроқ юрса, бир-бирини унутар, дея директоримиз билан гаплашиб, мени малака ошириш учун тўрт ойга Тошкентга жўннаттириди. Бу менга яхши майқун келди.

Лекин иккى кундан сўнг ўқишдан чиқсан, эшик олдида Комрон турибди... Мен яна

Буни ҳаёт дейдилар

хисларимга таслим бўлдим. Тўрт ойгача Комроннинг бир оёғи Тошкентда бўлиб қолди.

Вақт хукмимизга бўйсунмасди. Уйга қайтидим ва шу кундан бошлаб, тобим коча бошлади. Бир ҳафтача еганимни қайт килиб ётиб қолдим. Сал қувватга киргач, поли клиникага чидим. Шифокорнингайтишича, мен ҳомилдор эканман!..

Тўрт ўқчанинг ўртасида қолган одамдай, қаёқа боришини, нима қилиши билмасдим. Дарҳол Комронга қўнгироқ қилдим, хушабарни айтдим. Негадир... унда мен кутган куновч бўлмади.

Уч кун бир карорга кела олмай қийналгач, онамга бор гапни айтдим. Ойим аввал йиғлади, кейин мени уришиди, тақдиримни қарғади ва мени олиб қайнонамни кириб борди.

Қайнонам ойимнинг ҳомилдорлигим ҳақидаги гапларини худдига кўншининг товути тухумлабди, деган гапни эшигандай, бепарво туриб ўшилди. Бирлас қош чимириб турди-да, деди:

— Қизингиз (келиним эмас) Тошкентда тўрт-беш ой ўқиб кетганмиш? Худобилади, болани қай ўйл билан орт...

— Оғзингизга қараб гапиринг! Уялмайсизми бирога туҳмат қилгани. Менинг болалундай эмас, ўғлинигиз бир кун ҳам ўз ҳолига кўйгани йўқ-ку буни! Сиз озигина сабр қилиб, шугиналарнинг орасига бегонани олиб кирмаганингизда, мана, тирноқ ҳам бераркан-ку, худойиди! — деди ойим газабдан титраб.

— Ажаб қипман, сизнинг кизингизни пойласам, ўғлинигум умри ўтаркан. Мана, келинининг бугун-эрта кўзи ёриди. Худо хоҳласа, ўғил туғиб беради!

— Бунинг корнидаги ҳам набирангиз-ку?

— У ёғини Худойим билди...

Ойим нима деярини билмай қолди. Менинг зорланётганини қилиб, ўзимга бир шапалоқ тушириди.

— Севишмайгина ўл, сен қиз! Кели-кели тошмехларнинг ўғлига ишқинг тушадими? Оддимга тушиб, уйни ёлкангнинг чуқури кўрсиган энди, — деди ойим ва мени сурдагудай бўлиб кўчага олиб чиқди. Мен қайнонамга ёлворганча у йиин тарк этдим...

Мана, вужудимда дилбандим кун сайин ўсаётли. Комрон эса қорасини кўрсатмай кетди. Қайнонам айтгандай, кундошим ўғил туғиб берди. Мен эса ҳаёт сўқмоғида адашган телбадай яшамоқдаман.

Гоҳида туғилажак болам ҳам кўзимга кўринмай қолади. Гоҳ уч марта уйланган дадам, гоҳ мени таъсиричан ва ишонувчан қилиб ўстирган онамдан, гоҳ менга эримни рўбарў қилган қисматдан нолийман.

**ГУЛИДАНИНГ ҳикоясини
Шаҳло ТОШБЕКОВА
окка кўчирди.**

МУҲАББАТИМ — НАФРАТИМ МЕНИНГ

Мен бошимни эгиб турaverдим. Онам ҳаммасини тушунди.

— Эсингни йиғиб ол, қизим, кейин афсусда қолма. У оила бизга тўғри келмайди. Дадангнинг юриш-туриши ўзингга маълум. Эртага, истайсанми-йўқми, таъна қилишади. Шунинг учун, кўй, тенгтенги билан, — деди.

Шунда менинг ҳўрлигим келди.

— Ойи, — дедим кўзимда ўш билан термилиб, — нега энди дадамнинг ҳатолари жабрини тортишим керак? Тушунинг, мен ундан бошқаси билан баҳти бўлолмайди. Буни ҳеч қаҷон юзимга солмайди, мени доим ҳимоя қила олади!

Ойим менга кўп насиҳат қилди. Ҳаёт бошқа, ёхтиросларга тўла ишқ-муҳаббат фасли бошқа эканини тушунтириша уринди. Аммо менинг гўё кўзим кўр, қулоғим кар бўлиб қолгандай, юрагим Комрондан бошқа исмни эшитиши истамасди.

Институтни тутгатган йилим Комрон совчиларини юборди. Аввало онам совчиларни қайтаришини айтди. Мен эса оёғи тираб туриб олдим. Ахийри, рози бўлишиди...

гач, қайнонам ўзгарди-қолди. Улар мендан яширинча шивир-шивир қилишар, бундан кўнглим гашланарди. Аввалинни мени ёнидан кўймай тўй-тўйчикларга етаклаб юрадиган, ҳаммага: «Менинг келинини кўрдингизми, қандай чиройли», деб кувонадиган қайнонам энди мени ҳафтала билан онамнига жўнайтиб юборадиган бўлди. Комронни мендан ажратишмоқчи экани кундай равшан эди. Бу ҳақда гапирсан, у куларда ва:

— Жиннивой, мени сендан иккى дунёда ҳам ажратади. Мен сенсиз ўлиб қоламан-ку, — дерди.

Мен унинг гапларидан таскин излаб юраверибман, аслида эса...

Уша куни ҳам қайнонам:

— Гулидахон, бирор ҳафта онангизнига бориб турсангиз ҳам майли эди. Мен ҳам Чимёндаги холангизнига бориб, бир ҳафта тираб келаман. Ўйда ёркаклар билан ёлғиз қолманг, — деди.

Мен рози бўлдим. Орадан уч кун ўтиб, ишдан дугонам билан бирга қайтаётсам (мен мактабда ўқитувчилик қилардим), кўчани тўлдириб, лента, гул ва шарлар билан бе-затилган машиналар ўтиб қолди. Орасида қайногамнинг

Мен нодон шунда ҳам ҳеч нимани англаб етмабман. Кейин билсан, эрим шу куни уйланган экан...

Комрон тонгда уйдан чиқиб кетаётib:

— Мен ўн кунга Тошкентга кетаяпман, сен шу ерда туратур. Қайтишим билан олиб кетаман, — деди.

Мен унинг сўзларига ишондим. Аслида у ҳеч кәёқка кетмаган, ўн кунни янги хотуни билан ўтказган экан.

Ўн кундан сўнг кўнгироқ килдим.

— Эрталаб қайтгандим, кечда ёнингга бормоқчидим, — деди муржам оҳандга.

Лекин шу куни келмади. Сабрим туғаб, ўзим келинингга маҳкам ўрнашиб олган инсонни унутиш осон бўлмас экан. Комрондан ўзимни қанча олиб қочмай, у ўйларимда пайдо бўлар, яна ўша муҳаббати ҳақида гапириб, мени аврарди...

Онам ҳам гапни кўндаланг кўйиб:

— Пешонангда борини кўрасан, у худбин билан ажраш. Бола туғилганидан сўнг у қорасини кўрсатмай кўяди. Сен эса ҳеч нимасиз қолаврасан. Ажрассанг, ҳаётнингни бошкатдан бошларсан!



ЖЕТОН ВА ТУРНИКЕТ ТАРИХИ

Бугун пойтахт ахолиси ва меҳмонлари иш, ўқиш, зиёрат ва саҳёт каби мақсадларда кўзлаган манзиллари сари йўл олар экан, энг куал транспорт воситаси бўлмиш метродан самарали фойдаланишиди.

Жетон сотиги оласиз ва уни турникетга ташлаб, метрота тушасиз. Одатий ҳол, тўғрими? Аммо метро жетонларининг тарихини биласизми? Улар қачон пайдо бўлган? Турникетлар-чи?

Дастлабки жетонлар қачон пайдо бўлганлиги ҳакида аниқ маълумотлар хозирча мавжуд эмас. Бирок, 1934 йилда чиқсан Метрополитен ҳакидаги китобда метро очилгандан сўнг бир йил ўтгач, кириш ва чиқиш жойларida ўрнатилган турникетлар тасвирланган эди.

Кириш жойларida ўрнатилган турникетлар ҳакида шундай дейилади: «Ёнингизда турган автоматнинг кичик тирикшига жетон ташлабгина сиз кириш учун рухсат олишиниз мумкин». 1935 йил нашр этилган газеталарда «Ўртасида метал жетонларни кабул қилиб оладиган юлдузсимон тешиги бўлган Куримла» ҳакида ёзилади. Ўша пайдаги турникетларнинг бир нечта суратлари мавжуд, бирок уларнинг барчаси турли шаклда. Уларга солинадиган жетонларнинг

шакли ва кўриниши ҳакида эса, хеч кандай хужжатли маълумот йўқ. Факат шу нарса маълумки, метро пайдо бўлганидан то 1959 йилга қадар кириш ва чиқиш жараёни низоратчи ходимлар томонидан бошқарилган.

Улар ҳар бир кириб-чикувчининг чипталарини текшириб ўтказган. Тажриба намунаси сифатидаги или турникет ва жетонлар 1935 йилда пайдо бўлган, лекин улар жуда кам муддат амал қилган. Иккичи тажриба 1952 йилда ўтказилган. 1958 йилда эса, автомат турникетлар ишга туширилган ва бир йилдан сўнг бу усуқуналар кўп микдорда ишлаб чиқарилган.

1961 йилда турникетлар тангларни қабул килишга ўтган. 1992 йилнинг 1 марта ташлаб яна же-тонлар амал қила бошлаган.

Буларни жетонларнинг умумий тарихига оид муҳтасар ҳуносалар деб қабул килисангиз ҳам бўлаверади. Негаки, жетон ва турникетлар турли давлатларда турлича ва уларда хозиргacha шаклий ҳамда тасвирий ўзгаришлар бўлиб туриби. Масалан, ўзимизда бир пайтлар турникетларга танга ташланган. Мустакилликнинг дастлабки йилларида бир муддат коғоз чипталардан фойдаланилиб, кейинчалик метал ва пластмасса жетонлар жорий этилганини њиши биласиз.

**Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.**



“Бахтили бўлиниг”

саҳифаси

ЎЗИМНИКИ КУЙДИРДИ

Оиласа икки фарзандмиз. Акамни уллантиргач, автоҳолаток туфайли ота-онам бир кунда ҳаётдан кўз юмишган. Кисматнинг бу оғир зарбасини енгиги ўтишда акам ва келин-ойимга суюнди. Мени ташвишлардан чалгитиш учун тикувчилик курсида ўтишиди. Ота-онамнинг маъракаларини ўтказганимиздан сўнг ўйни мизга совчилар кела бошлади. Келин-ойим мендан бир оғиз ҳам сўрамай, уларга рад жавобини бериб юбораверди. Кейин билсал, уасига мени келин килиш ниятида экан. Қаршилик кўрсатишманинг фойдаси бўлмади. Акам ва қариндош-уругларнинг кистови билан келин-ойимнинг мендан тўқиз ёш катта, бунинг устига ҳеч қаерда ишламайдиган уасига турмушга чиқиша мажбур бўлдими. Ўша хонандона олти йил умрим ўтди. Аммо фарзандли бўла олмадик. Бунинг учун ҳамма мени айбларди. Тоқатим ток бўлиб, уйдагиларга сездирмай, шифкор кўригига бордим. Тахлил натижалари љиши чиқди. Эрим ҳам шифкор кўригидан ўтиши лозим эди. Шу ҳақда унга гапирсан, совуконлик билан: «Болалигимда қишида заҳ ерда қолиб кетганман, мендан бола бўлмайди», деди. «Буни опангиз билармиди» десам, у: «Сендан бошқа ҳамма биларди», деди.

Бўлиб ўтган воқеани акамга айтдим, у эса пинагиниям бузмай, тақдирга тан беруб юашим кераклигини ўтириди. Менде бир етим кизнинг баҳтини курбон қилган келин-ойим ва ўз синглиси ҳаёт учун курашомлаган жигаримдан қаттиқ хафа бўлдими. Эрим билан ахрашиб, пойтахта келиб, тикув фабрикасига ишга жой-

лашдим. Ўзингники ўзагингни узади, деганлари рост экан. **Ёшим 29 да.** 40 ёшгача бўлган бир-икки нафар фарзанди бор, касби-кори тайин инсон бўлса, турмуш куриш ниятидаман.

**ЗИЛОЛА,
Бухоро вилояти.**

АЛДАНГАН ОНАМ-А!

Холамнига тўйга борган онам, уйга жуда хурсанд бўлиб қайтди. «Сенга келин топдим. Исли Хуршида экан, келинойиси роса мақтади. Ўзиям кўли гул чевармиш», деди оғиздан бол томиб. Орзу-ҳавас билан тўйимишини ўтказганидан сўнггина, соддагина онам чуб тушганинг англари. Тили заҳар кайниснглисидан қандай кутилиши билмай юрган келинойиси, онамнинг келин излаб юрганини билиб, Хуршидани роса мақтаган экан. У чиндан ҳам тикувчилик курсида ўқиган, бу ҳақда сертификати ҳам бор, лекин хатто чакалоқка ҳам кўйлак тикиб беролмайдиганлар хилидан бўлиб чиқди. Гапсўзларининг совуқлигини, ўзининг кўполлигини айтмайсизми. Сира ковоғи очилмайди. Арзимаган нарсалардан жанжал чиқарип, уйдагилар билан бир ойлаб гаплашмай қўяди. Онам бечоранинг гапини ёқасига ёпиширади. Ҳеч ким билан келишомайди. Кўни-кўшини аёллар билан ҳам жанжаллашиб чиқди.

Хуршидани ўйлга соламан, деб кўп уриндим. Хатто келинларга мумомала маданиятини ўргатадиган ўкув маркази бормикан, деб суришириб ҳам кўрдим. Онам бечора: «Бир-иккита фарзандлик бўлганидан кейин феъли ўзгариб колар», деб унинг ёнини оларди. Аммо ўзгариш бўлмади. Икки

яшар ўғлимнинг бошига пиёла билан уриб, жароҳат етказгач, бундай асаби тараған аёл билан яшацдан чарчадим. Биз конуний ажрашдик. Ўғлим ўзим билан колди. **Ёшим 27 да.** Фарзандимдан меҳрини, яқинларимдан ширин сўзини аямайдиган жувон бўлса, у билан ҳаётимни боғлаш ниятидаман.

**БОТИР,
Самарқанд вилояти.**

“ЁР-ЁР”ЛАР ЯНГРАСА...

Шоҳсанам кизим бир ярим яшарлигига чақалоқ, уасига қарайман, деб товада кизиб турган ёғни унинг ёнида колдириб кетибман-да. Кизалоқ эмаклаб келиб, қайнок ёқа кўлчасини ботириб олибди. Уй чи шифохонада даволаниб чидик. Кизимнинг ўнг билагидан пасти худди омбур билан бураба кўйтандек буришиб қолди. Мактабга чиққанида дугоналаридан уялиб, енги узун кўйлаклар кийб юрди. Балоғатга ёттанида эса унинг ўнгсонни борлигини эшитган совчилар кўча бошиданоқ қайтиб кетадиган бўлишиди. Ўтган йили пойтагта олиб бориб, пластик операция килдирдик. Хозир ўрни анча билимий қолди. Шоҳсанамнинг ёши 31 да. Туман шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Оғир-вазмин, мулоҳазали. У ҳам ҳамма кизлардек оқ кўйлакда, «ёр-ёр» садолари остида келинчак бўлишини истаймиз. Дадаси билан маслаҳатлашиб, сизларга мурожаат килишши қарор қилдик. Уни ўзи каби бирор нуқсони бор, 35 ёшгача бўлган йигитга турмушга узатмокчимиз.

**ШАХРИХОН опа,
Тошкент вилояти.**

ТАБИАТ – ДОРИХОНА

ХУШБЎЙ ВА ШИФОБАХШ

Баҳорги кўқатлардан тайёрланган таомларни ялпизиз тасаввур этиш кийин. Бу кўкат доривор сифатида ҳам жуда қадарли. Ялпиз табиий ҳолда сернам ўтлоқларда, сув ёқаларида ўсади. Таркибида эфир мойлари, яни, ментол, пинен, незлиол, фландрен, цениол, жасмин, шунгингек, флавониидлар, органик кислоталар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, минерал тузлар, С витамини каби моддалар мавжуд.

Ибн Сино ялпизга шундай таъриф берган: «Унда қиздирик бор. У барча истемол ичидаги жавҳари, энг лашоҳларини сутга майди. Унинг шираини сиркага солиб тўхтатади». Ялпизни даволашшиловчи, гижтувчи, қайт восита сифати.

Халқ табобаустинки қисмидан ма тиши оғриғи, оғиз яллигларини дади. У меъда фаолиятихикочони тўхтатади. Ҳам эга. Кўтириб ва баралди.

Оғриқ колдириувчи омил сифатида ҳам кенг кўлланади. Арпа уни билан кўшиб, боз оғриғига қарши пешонага кўйиб боғланаса, бемор даррдан фориг бўлади. Дағаллашган тишли ялпиз билан ишқаланса, самарали фойда беради. Шарбатини асал суви билан аралаштириб, оғриғига кулоқча томизилса, оғриқни бир зумда бартараф этиди. Кўкрак қафаси шамоллаб, ўталь кучайганда, шарбати ичилса, балғамни кўчиради. Шу билан биргана, нафас йўллари касалликларининг олдини олувчи восита сифатида ҳам фойдали хисобланади.

Шахина тайёрлади.

БЕКАЛАРГА МАСЛАҲАТ

Ошхонада ишлатиладиган таҳтали анжомларни тез-тез сиркали сувда юваб туринг. Шунда уларга микроблар ин кура олмайди.

Ойналарни ювишда ишни аввал ромларни артишдан бошланг. Тозалагандан сўнг уларда рангбаранг излар қолмаслиги учун шамолсиз ва кўёл нури тушмаган маҳалда таркибида спирт бўлган воситалардан фойдаланиб артиб олинг.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, шакар инсон организмидаги ҳарчони чарчадиган ҳиссига таъкидлашиб, яхшини айтадиган. Нововор, асал маҳсулотларини истемол килган маъкулроқ.

Агар ёнгокни қайнок сув солинган оғзи ёпик идиша 10-15 дакиқа қолдириб, кейин чақсанзиз, магзи майдаланиб кетмайди.

Олма таркибидаги кальций, магний, фосфор, калий моддалари организмидаги холестеринни камайтириш хусусиятига эга.

Бир кунда олти ярим соатдан етти ярим соатчага ухлайдиган одамлар энг соғлом одамлар экан.

Камқонлик, атеросклероз, жигар ва буйрак камалилларни билан озорланган кишилар мунтазам равишда катиқ истемол килишлари лозим.

Сочлар ювилгач, 30-35 дакиқа ўтмагунча таралмагани маъкул. Акс ҳолда соч толалари нимонлашиб, синувчан бўлиб қолади.

**Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.**

СОҲИБҚИРОН ҲИКОЯТЛАРИ

Яшнегерга – яшилик қўлдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қўлган бўлса, дўстлиги қадрини унумтадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

Бир куни падари бузрукворимиз – Амир Тарагай баҳодир кўп қўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига савдога йўлладилар. Қўйларнинг хаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб сайд қилиб юрур эдим. Бир ерда хушовоз каландар одамларга сўзлаб тургон экан: қўлида коғоз-шеър битилган, у дер эди:

— Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади...

Химматим жўшиб, минг олтунни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насадимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қўлид:

— Отанг олдига боргил, буни отанг олдида ўки, боргунча очма...

Коғозни келтириб, падари бузрукворга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча робойи экан – маъноси қўйидаги: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамишид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингими яхшили билан ном қолдири...

Рубойининг муаллифи – ўшал қаландар-аллома шоир Камол Хўжандий эркан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп хурмат қиласар эрканлар.

— Баракалло, ўглим, кўп доно ишга олтунларни сарф этибсан. Энди, минг



Содик ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

олтунга олғон ушбу ҳикматга қатъий риоя қўлмок лозимдур...

Падари бузрукворининг айтқонларини бош устида тутдим.

Карши қальясини забт этиб, му-

кайта таъмирлаш ва бошка мақсадларда берилган қарзларнинг қайтарилишини таъминлаш учун кўчмас мулк гаровга кўйилган бўлса, гаров шартномаларини тасдиқлаш вақтида мазкур кўчмас мулк жойлашган худуддаги нотариус кўчмас мулкка нисбатан тақиқ қўяди ва бу ҳақда "Ергодезказастр" давлат кўмитаси худудий бўлинмасига хабарнома юборади. Кўчмас мулкка нисбатан мулк хукуқини тасдиқловчи ҳужжатга нотариус томонидан тақиқ кўйилганлиги ҳақида белги қўйлади ва тақиқлар хисобини олиб борилиши белгиланган давлат нотариал идора-сига (курьер ёки буюртма хатлар орқали) маълумот юборилади."

Саволга Тошкент шахар Ҳамза тумани
1-сонли ДНИ катта нотариуси Шукурилла АКБАРОВ жавоб берди.

НОТАРИУСГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ҲУЖЖАТ

қайси ҳолларда
қабул килинмайди?

Нотариал ҳаракатларни
амалга ошириш учун нотариус-
га тақдим килинган ҳужжатлар

Менда бирон кимсанинг ҳаки бўлса, ҳақини хеч вакт унумтадим. Бирон кимса билан танишган бўлсан, уни хеч вакт назаримдан қолдирмадим.

зарифарлик туғи бирла қайтар эдим. Кечда Кўкубулқоқа етиб, шу ерда тунамоқни ихтиёр этдик. Навкарларни хонадонларга таксимлаб, ўзимис сой бўйида яшил ҷодир тикдик. Субхидам атрофга разм солмоқда эдим, Иттифоко, бир аёл кишининг отетаклаб, сой томон кетмогига назаримиз тушди. Шунда бизни ўй чулгади. Мулоzим йўллаб, ул ожизанинг эркагини топдириб кеттириб. Савол айладик:

— Нечук, завжангиизни от сугорғали йўллайсиз? От сугормоқ эркак кишининг хизмати-ку!?

— Соҳибқирон, – жавоб айлади ул киши, – от боқиши ҳам, от сугориши ҳам эркакнинг юмуши эконини биламан. Аммо уйимга қоплонсифат тўрт навқарингиз тушидир. Уларнинг ниyatин билмасман. Шул боисдан аёлимни от сугормоқка йўллаб, уйда қолган икки бўйдор қизими ни кўриклиамоқ истадим...

Биз мулоҳазада берилдик. Ва ўз хатойимизни англаб, ҳамишлиқи қарор бердик: бундан буёгинда навкарлар хонадонларга жойлаштирилмасин.

Навкарларим яланг ўтлоқ ва сувлок ҳойларда ҷодирларда умргузаронлик қилишин.

Кўкубулқоқ қўшилогига қўёш мўраламасдан навкарларни хонадонлардан ҷодирларга жойладим ва шу тартиқа эл осоишталигини таъмин этдим...

**«Амир Темур ўйтлари»
китобидан олинди.**

қайси ҳолларда қабул килинмайди?

Б. Фиёсов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 30 марта кабул килинган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида" ги Йўрикномада кўчмас мулк ва автомотранспорт воситасини бошка шахсга ўтказишни тақиқлаш ҳақидаги қоидалар белгиланган. Жумладан, мазкур Йўрикноманинг 280-бандига асосан:

"Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақиқларни тақдим тақиқларни килингандаги қишлоғида кўчмас мулкни тақиқларни тақдим тақиқларни килинмайди:

кириб ўчирилган ёки кўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошка тузатишлари бўлган, шунингдек, қаламда ёзилиган ҳужжатлар;

бир неча варакларда баён этилиб, вараклари рақамланмаган ва иш ўтилаб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахснинг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимилие имзо муҳри кўйилган ҳужжатлар."

**Саволга Жомбой туман
2-сонли ДНИ нотариуси
Гулнора КУРБОНОВА
жавоб берди.**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0169-рекам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 438. Формати А-3, ҳақми 2 табоқ. Адади – 9598. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Кабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ИСКАНДАР – КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Бирлашган Араб Амириклиянинг Дубай шаҳрида пауэрлифтинг бўйича давом этадиган паралимпиячилар ўтасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Искандар Турсунбоев кумуш медалди кўлга киритди.

Жорий йилги спорт мавсумида паралимпиячиларимиз турли нуфузли мусобакаларда муносиб иштирок этмоқда. Дубай шаҳрида давом этадиган нуфузли мусобакада дунёнинг олтмишга яқин давлатидан 300 нафардан зиёд спортчи медаллар учун ўзаро куч синашмоқда.

Искандар Турсунбоев вазни 59 килограммгача бўлган пауэрлифтингчилар баҳсида 120 килограмм оғирликларди тошини ўзига бўйсундириб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди ва шу йилнинг 18-24 октябрь кунлари Жанубий Кореяning Инчеон шаҳри мезбонлик қиласидаган Параосиё ўйинларида катнашиш имконига эга бўлди. Яна бир спортивчимиз Фарҳод Умрзоков вазни 72 килограммгача бўлган пауэрлифтингчилар баҳсида ўз омадини синаф кўрятти.

Айни пайтда юртимиз паралимпиячиларида Параосиё ўйинларига тўққизга "Йўлланмаси" бор. Уларнинг саккизтасини енгил атлетикачиларимиз кўлга киритган.

ЭНГ КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНАДИ

Европа Чемпионлар лигаси мусобақасининг чорак финал жавоб учрашувларига старт берилди. Бугун оқшом футбол ишиқбозлари хукмига бир-биридан қизиқарли бўлган иккита ўйин тақдим этилади.

Уларнинг бири Германиянг гранд жамоаси «Бавария» ҳамда Англиянинг номдор клуби «Манчестер Юнайтед» ўтасидаги кечади.

Гарчи, бу клубларнинг биринчи ўйинида 1:1 хисоби қайд этилган бўлса-да, жавоб баҳсида кутилмаган натижага бўлиши мумкин. «Бавария» ўз уйда кучли ўйин намойиш этадиган жамоалар тоифасига киради.

Иккичинча учрашув бўлса, Испания чемпионати ҳамда чемпионлар лигасида голибликка асосий даъватарлардан бўлган «Атлетико» ва «Барселона» клублари ўзаро хисобито килишиади. Бу жамоаларнинг хам биринчи ўйинида дуранг (1:1) натижага қайд этилганди.

Эслатиб ўтамиз, ўйин Тошкент вакти билан соат 23.45да бошланади.

"Боруссия" – "Реал" ҳамда "Челси" – "ПСЖ" жамоалари ўтасидаги учрашув эса кеча тунда бўлиб ўтди.

Интернет манбалари асосида Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.



**НОТАРИУСГА ТАҚДИМ
ЭТИЛГАН ҲУЖЖАТ**
қайси ҳолларда
қабул килинмайди?

Нотариал ҳаракатларни
амалга ошириш учун нотариус-
га тақдим килинган ҳужжатлар

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кумитаси, «Болалар ва оиласларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси
(Болалар жамтармас) ва «Соглом авлод учун» ҳалқаро ҳайрия фонди

ISSN 2010 - 7609
9 7 7 2 0 1 0 - 7 6 0 0 7
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-йи. Мўлжал: Олой бозори ёнида

E-mail: oillavajamiat@sarkor.uz

**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**
Навбатчи муҳаррир – Дилором
МАТКАРИМОВА
Сахифаловчи – Илхом ЖУМАНОВ
Мусахихлар – Сайдғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Web-site: oillavajamiat.uz

1 2 3 5